



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 10 апрель, № 69 (5489)

Сешанба

## УЛУФ СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



Тарихимизга назар ташласак, тамаддулар яратган буюк аждодларимиздан чексиз фахру ифтихор туямиз. Бобокалонларимизнинг илму фан, адабиёт, сиёсат, ҳарб санъатида эришган оламшумул муваффақиятлари олам-аро эътироф этилганидан ғурурланамиз. Соҳибқирон Амир Темури халқимизнинг ана шундай беназир сиймоларидан биридир.

### Ифтихор

Амир Темури мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштирди. Пароканда элу элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди. Бироқ шўро замонида бобокалонимиз номини

тарихимиз саҳифаларидан ўчиришга ҳаракат қилинди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган давлатлардан бошлаб Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тарихимизни чуқур ўрганиш,

буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар самарасида Амир Темури шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари асл мақомига қайтди. Бугун миллатимиз ғурурини кўкларга кўтарган буюк Амир Темури сиймоси улугланиб, унинг адолат, ҳақиқат ва юртини ҳар жиҳатдан тараққий эттиришдек нури орузи ўз рўйбини топмакда.

Анъанага мувофиқ, 9 апрель куни пойтахтимизнинг Амир Темури хиёбонида Соҳибқирон таваллудининг 676 йиллигига

бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар ва депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ижодкорлар, ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда Халқаро Амир Темури жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Япониянинг мамлакатимиздаги Фаолият ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, теурийшунос Санжар Фуломов, "Туркистон" ва "Молодёжь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Салим Ашуров ва бошқалар сўзга чиқиб, Амир Темури шахсининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни хусусида тўхталдилар.

Соҳибқирон Амир Темури ўз давридаёқ бутун дунё узра нафақат кучли саркарда сифатида, шу билан бирга, маърифат ҳомийси, адолат пешвоси, бунёдкорлик ва қудрат тимсоли сифатида ҳам донг таратган. Уша даврнинг олимлари, тарихчилари, хоржий мамлакатлар элчилари ул зотнинг эзгуликка йўғрилган сиёсатидан таъсирланиб, асарлар битишган, фикрлар билдиришган. Хусусан, тарихчи Шарафиддин Али Яздий бундай деб ёзган эди: "Олам равнаки ва рўшнолиги йўлида ҳафсаласи ниҳоятда юксак Амир Темури ободончиликка ярайдиган бирон қарч ерининг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди".

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

### МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Йиғилишда Комиссия томонидан телерадиодастурларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш, шунингдек, фаолият турларига лицензияси мавжуд субъектларнинг лицензия мuddатларини узайтириш ва лицензия битимларини расмийлаштириш ҳамда лицензия битимига тегишли кўшимчалар ва ўзгаришлар киритишга оид аризалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

## БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия ҳўкумати аъзоси, Консерваторлар партияси ҳамраиси баронесса Саида Варси 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситнова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алма-

шувини такомиллаштириш, бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари юзасида фикр алмашилди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касб, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофаза қилиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самалар бермоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Сурхондарё

Кейинги уч йил давомида вилоят қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 1395 та тураржой қурилиб, 36 та намунавий мавзе бунёд этилди.

### Намунавий қишлоқда замонавий гузар

Ҳозир ушбу манзиллар кўрkingа муносиб инфратузилма иншоотлари яратилмоқда. Хусусан, тадбиркор Шодмон Холмёрв Жарқўрғон туманининг Меҳнат — роҳат маҳалласидаги янги даҳада гузар барпо қилди. Унга яқин маиший хизмат, овқатланиш нуқталарини очиб, 20 кишини доимий ишга жалб этди. Шунингдек, янги гузарга кўчиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғини идораси ҳомийлар томонидан замонавий жиҳозлар ва компьютер билан таъминланди. Яқинда намунавий тураржой эгалари ўз қўрғонларида 2000 туп дарахт кўчатларини ўтказган эдилар. Айни пайтда улар бу ерда ёшлар учун ҳашар йўли билан спорт майдонини қуриш, уй бекларини учун 10 та касаначилик иш ўрни очиш ҳаракатида.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

### Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус тумани марказидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби 910 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишларидан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди.

### Фарзандлар камолоти йўлида

— Ўқувчиларимиз бундай замонавий қулайликлардан жуда хурсанд, — дейди мазкур мактаб директори Заммира Ибадуллаева. — Илгари мослаштирилган бинода фаолият кўрсатар эдик. Эндилкида нафақат ёруғ, шинам синфхоналарга, балки 237 миллион сўмлик мусиқа асбоб-ускуналарига ҳам эга бўлдик. Бу эса санъатсевар фарзандларимизнинг етук инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

### Навоий

Навоий кон-металлургия қўмитасига қарашли "Дўстлик" агрофирмасига Украинанинг "Техно" компаниясидан 300 минг АҚШ долларини илгор технологиялар келтирилди.

### Компьютер орқали парваришланади

Натижада Кармана туманида жойлашган ушбу мажмуада паррандаларни компьютерлашган тизим орқали парваришлаш йўлга қўйилди. Ҳозир агрофирма қошидаги 3 млрд. сўмдан ортик маблағ эвазига барпо этилган фабрикада 30 мингта зотли товуқ боқилмоқда. — Бройлер ҳўжалари 40 кунда талаб даражасида гўшт бериши мумкин, — дейди ферма раҳбари Норбўта Каримов. — Бунда компьютерлаштирилган ускуналардан фойдаланамиз. Қолаверса, янги технология асосида паррандалар олти ойга етмай тукумга қиради.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

Бугун юртимизнинг навқирон фарзандлари замон талаблари даражасида пухта билим олишга, салоҳият ва иқтидор соҳиби бўлишга астойдил интилмоқдалар.

### «Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Қолаверса, ёшларимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, янги ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлашга қаратилган акциялар, тадбирлар, тақдиротлар улар учун ўзига хос парвоз майдони вазифасини ўтаётганлиги ҳам диққатга сазовор.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида юқори савидада ўтказилаётган «Биз — бир жамоа,

биз — бир оила» номли акция ана шундай хайрли юмушлар сирасидандир. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур лойиҳа шижоатли ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижодий кашфиётлар сари руҳлантиришда муҳим аҳамият касб эта-

ётир. Буни акциянинг Қашқадарё вилотида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Акция вилоят Ёшлар марказида уюштирилган интеллектуал тадбирлар билан бошланди. Жумладан, «Ёш журналистлар учун семинар-тренинг», «Дилемма» баҳс-мунозаралар клуби йиғини ҳамда «Келажак лингво» хоржий тиллар маркази тақдиротида бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билим ва истеъдодларини намойиш этдилар.

(Давоми 2-бетда).

## БОҒЛАРДАГИ БАРАКА

— Халқимизда кўчат экиш, боғ яратиш хайрли юмуш сифатида эътироф этилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Баҳмал тумани бўлинимаси раиси Бўрибой Топшўлатов. — «Яхшидан боғ қолади», деган пурмаъно ҳикмат бунга яққол мисолдир. Истиклол йилларида бундай эзгу ишлар оммавий тус олди.



### Мавсум

Кувонарлиси, соҳибқоруми миришкорлар саъй-ҳаракати билан илгор технологиялар асосида интенсив боғлар ташкил этилиб, юз минглаб гектар майдонлар яшилликка бурканмоқда. Натижада бозорларимиз доимо заманимизда етиштирилган сархил неъматлар билан тўла.

Баҳмал тумани азалдан боғдорчилик соҳасида ном қозонган. Айниқса, бу замин тупроғида етиштириладиган олманинг доврўғи доvon ошган. Бугун Баҳмал боғларида иш қизгин. Соҳибқорлар дарахтларга шакл бериш, янги боғлар яратиш билан машғул. Ҳозир туманда фаолият кўрсатаётган 62 та фермер ҳўжалиги ва бошқа

ҳўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 4655 гектар боғ мавжуд. Шундан 3490 гектари ҳосил бермоқда. Ўтган йили мазкур ҳудудда 226 гектар янги боғлар барпо мева етиштирилди.

— Худудимиздаги Тагап, Данғара, Қорабулоқ, Илкончи, Темирқанди каби қишлоқлар Туркистон тоғ тизмаси ёнбағрида жойлашганлиги боис иқлими анча салқин ва, асосан, олма етиштириш учун анча қўлай, — дейди «Баҳмал булоқлари» Сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Жониқул Хидиров. — Худудимизда 367 гектар боғ бор. Ундан 212 гектари тўлиқ ҳосилга кирган. Соҳибқорларимиз

меҳнати эвазига ўтган йили ҳар гектар боғдан 101 центнердан мева териб олинди. Яъни ҳосил 2142 тоннани ташкил этиб, унинг 329 тоннасини қайта ишлаш корхоналарига жўнатдик.

Пойтахтимиз ва вилоят марказида ташкил этилган ярмаркалар орқали шаҳарликлар дастурхонига 586 тонна сархил мевалар етказиб берилди. Айни кунларда боғдорчиликка ихтисослаштирилган 5 та фермер ҳўжалиги ва тадбиркорлик субъектига қарашли 115 гектар майдонга интенсив технология асосида олма кўчатлари ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

2012 йил 8 апрель куни Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлди. Бу давр тарих учун қисқа мuddат ҳисобланса-да, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ўзаро муносабатлар жадал ривожлангани ҳолда, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва ҳамфикрлик хусусиятларини намоён қилди.

## Ўзбекистон — Сингапур: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИING 15 ЙИЛИ

Сингапур 1992 йил 6 апрелда Ўзбекистон мустақиллигини тан олган, мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари эса 1997 йилнинг 8 апрелида ўрнатилган эди.

Тарихдан маълумки, 2007 йил Ўзбекистон — Сингапур муносабатларида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапурга буюрган давлат ташрифи ва ушбу ташриф чоғида имзоланган хужжатлар мажмуи икки мамлакат ҳамкорлиги тараққийнинг ҳуқуқий асосини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди. Сингапурда Ўзбекистон Республикасининг элчихонасини очиш тўғрисидаги қарор мазкур давлат ташрифининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Юртимизнинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси 2007 йилнинг июлидан эътиборан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришни кўзда тутувчи 20 га яқин давлатлараро ва тармоқлараро хужжатлар ташкил этди.

Сўнгги йилларда икки томонлама муҳим ташрифлар ва учрашувлар бўлиб ўтди. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорликни янада чўқурлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Сингапур парламенти Спикери А. Тармуғийнинг 2009 йили Ўзбеки-

тонга буюрган ташрифи парламентлараро алоқалар тараққийоти ва қонунчилик соҳасидаги фаол тажриба алмашинувига ўзига хос туртки берди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Сингапур ташки сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳам мунтазам мулоқот йўлга қўйилган. Хусусан, 2010 йил апрель ойда Ўзбекистонга Сингапур Республикаси ташки ишлар катта давлат вазири З. Рашид бошчилигидаги Ташки ишлар вазирлиги делегацияси ташриф буюрди. Қолаверса, мамлакатларимиз ташки сиёсат маҳкамалари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш механизми йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг биринчи босқичи 2010 йилнинг декабрида Сингапурда ўтказилди.

Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 15 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 3 — 6 апрель кунлари Ўзбекистонга ташки ишлар давлат вазири М. Зулфилки бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки мамлакат ташки ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг иккинчи босқичи ўтказилгани ҳолда, уларнинг якуни бўйича қатор хужжатлар имзоланди. Хусусан, Дипломатик паспорт эгалари учун виза талабларини бекор

(Давоми 2-бетда).

## БАНК ТИЗИМИ РИВОЖИГА ЮКСАК БАҲО

Сўнгги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталнинг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоз этиб белгиланган халқаро меъёрдан

3 баробар кўп бўлган даражани ташкил қилмоқда.

Бундай юқори натижа «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилиб, икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига «барқарор» рейтинг даражаси берилганлиги, ана шундай баҳога сазовор бўлган тижорат банкларининг сони эса 23 тага етгани таҳсинга лойикдир.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

# УЛУҒ СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Темурийлар салтанати Осмё ва Европа китъасидаги йирик салтанат ҳамда давлатлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, «Куч — адолатда» тамойили остида тинч-отув кўшичилиги муносабатларига эришган. Мазлумки, бу ҳикматли ибора Амир Темурни бутун дунёга машҳур қилган. Бу шиорда бобокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди ёрқин акс этган. Шу маъ-



шижоат сингари маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб улгайишига катта эътибор қаратилмоқда.

Иштирокчилар Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов иштирок этди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**СУРАТЛАРДА:** Соҳибқирон таваллудининг 676 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

**Шомурот ШАРАПОВ** ва **Ҳасан ПАЙДОЕВ** олган суратлар.

# Рақамли телевидение

дастурлар узатиш сифати яхшиланиши ва қамрови кенгайишига асос бўлмоқда

Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Интернет ҳизмати, электрон таълим тизими, электрон имзо, деган тушунчалар онгу шууримиздан аллақачон жой олиб улгурди. Айни кунда «рақамли телевидение» ибораси ҳам тез-тез тилга олинмоқда. Ҳўш, унинг афзалликлари ниманда?

## Ислоҳот

— Рақамли телевидениеда кўрсатувлар махсус тўнлар, яъни тегишли сигналларни қабул қилувчи қурилмалар орқали намоёйиш этилади, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хузуридаги «Радио-алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг радиотелевидение узатиш маркази вилоят филиали раҳбари Неъмат Саъдиев. — Унда битта узаткич воситасида бир йўлга 12 та дастури кўриш имконияти мавжуд. Натижада частота ресурслари, электр энергияси тежаллади. Қолаверса, бу қулай ва ихчам, тас-

вир эса ўта тиниқ ҳамда сифатли. Айтиш жоизки, мамлакатимизда рақамли теледас-турлар илк бор Тошкент ва Бухоро шаҳарларида 2008 йилнинг 1 сентябридан эфирга узатила бошланган эди. Айни пайтда Бухоро вилоятида мазкур хизмат туридан фойдаланувчи абонентлар сони уч минг-тадан ошиб кетди. Қамров доираси 50-55 километр радиусни ташкил этадиган, 2,3 кВт қувватга эга телеузаткич орқали ҳозир мамлакатимизнинг еттига, хоржининг бешта теледасури вилоятнинг 70 фоизга яқин ҳудудига тарқатилмоқда. — Рақамли телевидениедан фойдаланаётганимизга икки йилдан ошди, — дей-

ди Вобкент туманилик Нафиддин Муҳидов. — Оиламиз аъзолари, жумладан, ўзимга ҳам маъқул жиҳати шундаки, тасвир жуда тиниқ, фойдаланиш эса қулай. Телекўрсатувларни мириқиб томоша қиласиз. Масаланин яна бир жиҳати — рақамли телевидениенинг имкониятлари беҳад катта. Унинг воситасида интернет хизматидан фойдаланиш, кинофильмларга буюртма бериш мумкин. Истиқболда у ёки бу дастурнинг электрон нусхасини ёзиб олиш имконияти ҳам юзага келади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигининг барча йўналишлари қатори асаларичиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун асаларичилик тараққиёти бозорларимиз тўқинлиги, экологик софликни сақлаш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш, демакки, эл фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган, асаларичиликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбатига шулар ҳақида сўз борди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 февралдаги қарори билан тасдиқланган асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури асосида тармоқнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, янги технологиялар жалб этилди, асаларичиликка ихтисослаштирилган ҳўжаликлар сони кўпайтирилди, республикамиз истеъмол бозорини сифатли асал ва асал маҳсулотлари билан узуқсиз таъминлаш йўлга қўйилди. Натижада жаҳда махсуддорлик изчил ошиб бормоқда. Биргина мисол: агар 2010 йилда 2840 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4 минг тоннадан зиёд бўлди. Қолаверса, 2008 йилда асаларичилик билан шуғулланган тадбиркорлик субъектлари сони 4 мингтадан ташкил этарди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 7 мингтадан ошиб кетди. Умуман, жорий йилда республикада асалари оиласи сони 27,8 мингта, асал ишлаб чиқариш эса

# ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

4500 тоннага етказилиши кўзда тутилмоқда.

Давра суҳбатига юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес учун яратиб берилган имкониятлар, имтиёзлар асаларичиликни ривожлантиришда айни мuddога бўлаётгани таъкидланди.

Тадбир иштирокчиларининг таъкидлашларига, юртимизда етиштирилаётган асал маҳсулотлари шифобахш, табиий, сервитаминли бўлиб, минерал ва органик моддаларга бой. Демак, жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Айни чоғда диёримизнинг бетакдор табиати ва ўзига хос иқлими асалари оиласини эрта баҳордан то кен кузгача илгор технологиялар асосида боқиш учун жуда қулайдир.

Тадбирда мамлакатимиз аграр тизимида рўёбга чиқарилаётган тарқибий ўзгаришлар натижасида вужудга келган янги ҳуқуқий асослар хусусида фикр алмашилди. Бу борада сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

— Аввало, юртимизда асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар сони кўпайиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуҳалиқ Жабборов. — Табиийки, бунда фермер ҳўжаликлари ва кичик бизнес субъектларининг улушини кўпайтириш жадал юқалишига замин бўлади. Зеро, улардаги мавжуд ер, экин, меҳнат ресурслари, инвестиция, техника, ишлаб чиқариш майдонлари ва қувватларини жаба-равнақига йўналтириш самардорлик кафолатига айлана-дир. Бунга эса уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, асаларичилик тизимининг бошқарув ва ташкилий тузилмасини такомиллаштириш орқали эришилади.

муддаодир. Бу эса асалари наслчилигини тўғри йўлга қўйиш, асаларичилик маҳсулотларини жаҳон стандартларига жавоб берадиган талабларга олиб чиқиш ҳамда ма-лакали мутахассислар тайёрлаш гаровидир.

— Республикаимизда асаларичилик билан барча бирдек шуғулланиши мумкин, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдоев. — Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Пировардида аҳолининг реал дарамадлари кўпаяди, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш имконияти ортади.

— Бугунги кунда асал маҳ-

Тадбир якунида мамлакатимизда асаларичилик соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳияти ва натижалари тарғиботида оид амалий қоралар қўриш, асаларичилик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Сайджон МАХСУМОВ.**

# БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

Буюк Британиялик меҳмон мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шариоитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган

хайрли ишларга юксак баҳо берди. Саида Варси Тошкент Халқаро Вестминстер университетига профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан мулоқотда бўлди. — Ўзбекистонга ташрифим доирасида қадимий ва навқирон Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан ҳам мамнунман, — деди Саида Варси хоним. — Сафаримиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги кенг нишонланаётган кунларга тўғри келгани ҳам бизни гоят қувон-

тиради. Буюк аждондизининг Мовароуннаҳр халқлари маданияти ва илм-фани тараққиётида тугган ўрни беқисдир. Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган ҳамда бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий обидалар ўша давр меъморчилиги ва бунёдкорлик ишларининг энг гўзал намуналаридир. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва очикқўнчилиги мени жуда лол қолдирди. Ўзбекистонда барча соҳаларда юксак тараққиётга эришилаётгани, жумладан, парламентаризм ва қонун ижодкорлиги йўналишларида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилаётгани таҳсинга лойиқдир. Мақсадимиз Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир.

**Ноҳира МАНЗУРОВА,** ўза мухбири.

# БОҒЛАРДАГИ БАРАКА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Илгари кўчат бир йилда ҳосилга қиради, дейилса ишонмасдик, — дея тўлқин-ланиб сўзлайди «А.Р.-Худодёр ота» фермер ҳўжалиги раҳбари Зафар Маллаев. — Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит тўғрисида нафақат сановатга, балки қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ҳам хориж технологияси кириб келди. Янгиликка интилиб меҳнат қилган кам бўлмас экан. Шу маънода, ўтган йили интенсив технология асосида боғ яратишга қарор қилдик. «Ипотека-банк» вилоят бўлимининг 180 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан Сербиядан 26 минг 600 туп пакана олма ва нок кўчат-

лари олиб келиб, 11 гектар майдонда боғ ташкил этдик. Ҳозир кўчатлар ривожланиб бораётган, жорий йилда ҳам 60 минг тупдан ортиқ пакана олма ва олхўри кўчатлари олиб келди. Ҳозир у яна 40 гектар ерда боғ яратмоқда. Соҳибкорнинг айтишича, умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа амалга оширишда хорижлик ҳамкорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, улар кўмағида 86,6 минг АҚШ доллари қийматидаги томчилатиб суғоришга мўлжалланган технология олиб келинди ва яна 88,8

минг долларлик бошқа ускуналар келтирилиши ҳам режалаштирилаётди. «Шунча меҳнатнинг ўзи бўлмайди, даромад харажатга яраша бўлармикан?» деган саволимизга фермер лўнда жавоб берди:

— Аслида, тезкор даромад олишни ўйлаган одам боғ яратмайди, аммо «Боғнинг баракаси бошқача бўлади», дейди халқимиз. Биз яратаётган интенсив боғқа сув кам сарфланади. Қолаверса, кўчатлар паст бўйли бўлгани боис, унга ишлов бериш ва парвариш-лаш осон. Шунингдек, ер майдони иқтисод қилиниб, бир гектарга 2500 туп кўчат ўтказилади. Биринчи йили дарахтларнинг ҳар тупи 1-2 килограмдан ҳосил берса-

да, кўчат парваришига ва танасининг бақувват ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Иккинчи ва учинчи йилларда 5-10 килограмдан мева беради. Кейинги мавсумларда эса 30 килограммдан ортиқ ҳосил кўтариш мумкин. Ана шуларни ҳисобга олиб, 2013 йилдан бошлаб маҳсулотни экспортга чиқариш бўйича сармоядорлар билан шартнома тузганмиз. Албатта, истиқболда қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиб, Италия технологияси асосида мини- завод қуриш режамиз бор.

Дарҳақиқат, баҳмаллик боғбонларнинг ниятлари эзгу, мақсадлари улғувор. Улар сархил меваларни етиштириб, эл дастурхони тўқинлигига ҳисса қўиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда.

**Улғубек АДИЛОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2011 йил якунларига қўра, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 101,7 миллион АҚШ долларига етди, бунда экспорт ҳажми 69,9 миллион, импорт эса 31,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 22 та Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси бор. Улар иқтисодийнинг энгил санаот, энергетика, электроника, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сингари соҳаларида фаолият юритмоқда.

Умуман олганда, сингапурлик сармоядорлар иштирокида рўёбга чиқарилиш босқичида бўлган лойиҳалар қиймати 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

2011 йили 3 та қўшма корхона, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Indogama Kokand Textile» корхонаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларда Сингапур сармоядорларининг умумий ҳажми қарийб 55 миллион АҚШ долларига тенг.

Шу ўринда сингапурлик сармоядорларнинг «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга

оширишга бўлган қизиқишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтган йилдан бошлаб «Навой» эркин-иқтисодий зонасида 2 та Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси — рақамли телеускуна маҳсулотлари ишлаб чи-

доиралари иштирокида бизнес-анжуман ташкил қилишни ҳам режалаштирмоқда. Ўзбекистон ва Сингапур маданий-гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, шу жумладан, иқтисодий, молия ва сай-

таби ўртасида академик ва илм-аҳоли алоқалар йўлга қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиши академияси ҳамда Сингапур давлат хизмати коллежи ўрта-

таълим, ахборот технологиялари, авиация, тиббиёт сингари соҳаларда малака ошириш бўйича турли ўқув курсларида мунтазам иштирок этиб келишмоқда.

Бундан ташқари, соғлиқни

лама алоқалар жадал такомиллаштириб бораётгани кузатишмоқда. 2009 ва 2011 йилларда Сингапур ижодий жамоалари «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида қатнашдилар. 2011 йил июлида Сингапур фотография ҳамжамияти бир гуруҳ аъзоларининг Буюк Ипақ йўли ганжиналари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивага сафари уюштирилди. Сафар якунлари бўйича Сингапурда «Ўзбекистон сингапурликлар нигоҳида» номли фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар жамоаларининг Сингапурда 2009 йилда бўлиб ўтган Ўсмирлар ўртасидаги Биринчи Осмё йўналиши ва 2010 йилдаги Ўсмирлар ўртасидаги Биринчи Олимпиада йўналишидаги муваффақиятли иштироки нафақат икки мамлакат спорт федерациялари ҳамкорлигининг мустаҳкамланишига, балки умумтаълим ва спорт мактаблари ўртасида дўстона алоқаларнинг йўлга қўйилишига ҳам хизмат қилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган 15 йил давомида эришилган мустаҳкам ишонч ва ҳамфикрликнинг юқори даражаси икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлиги келажакда ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида жадал ривожланишидан далolat беради.

**«Жаҳон» АА.**

# КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу кунги Қашқадарё бошқоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилик илмий тадқиқот институтида ўтказилган анжуманда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, турли фирма ва компанияларнинг масъул ходимлари, шунингдек, «Фонд Форум» лойиҳаларининг фаол иштирокчилари жаулжам бўлишди. Унда иқтидорли йигит-қизлар инновацион лойиҳа ва ишланмаларини тақдим этдилар. Тадбир сўнгида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тегишли вазиқлар билгилан олинди.

Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидидаги вилоят мусикали драма театри биносида бўлиб ўтган «Таълим ва карьера» кўргазмаси эса олий ўқув юрти, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларининг битирувчиларида катта қизиқиш уюғди. Кўргазмада 500 дан зиёд корхона ва ташкилотлар 2 мингдан ортиқ бўш иш ўринларини тақлиф қилдилар.

— Бу каби тадбирлар таълим муассасаси ва корхона ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаяди, — дейди Қарши шаҳар Бандликка қўмақлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ўринбосари Бердирёв Холиёров. — Бугунги кўргазмада ҳам ёшлар ўзларини қизиқтирган йўналиш бўйича ҳудуд-га ётақчи корхона ва ташкилотлар фаолияти билан танишдилар. Муҳими, уларнинг ақсарияти ишга жойлаштириш учун йўланмага эга бўлди.

Акция доирасида ўтказилган «Ҳаёт учун» хайрия марафонига 500 нафардан зиёд спортга ошно ўғил-қизлар жалб этилди. Ушбу марафонда ёшларнинг соғлом ҳаёт, ҳаракатчанлик ва галабага бўлган иштиёқи кўзга ташланди.

Тадбир якунида вилоят марказидаги муҳташам амфитеатрда иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросими ва «Келажак овози» кўрик-танлови голиблари ҳамда танқиди санъаткорлар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўйга чиқаришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ўттиздан ортиқ вазифалар маҳаллага юклатилиб, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланди.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Айни чоғда маҳалла хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ҳам аққол намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маҳаллалар оилавий бизнеснинг турли йўналишларини, шу жумладан, хўнараданчилик, деҳқончилик, чорвачилик, асаларилик сингари тармоқларини жадал қўлаб-қувватлаб келмоқда. Бугунги кунда юртимизда 4 миллиондан ортиқ оила ўз томорқасига эга бўлиб, ҳозирги пайтда сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг салмоқли қисми ушбу томорқаларда етиштириляпти. Шу маънода, халқимиз дастурхонини кишин-ёзин тўкин этиш, турмуш фаровонлигини оширишда шахсий томорқалардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Республика-миз, жумладан бир миллиондан ортиқ оила ўз томорқасига эга бўлиб, ҳозирги пайтда сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг салмоқли қисми ушбу томорқаларда етиштириляпти. Шу маънода, халқимиз дастурхонини кишин-ёзин тўкин этиш, турмуш фаровонлигини оширишда шахсий томорқалардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Республика-миз, жумладан бир миллиондан ортиқ оила ўз томорқасига эга бўлиб, ҳозирги пайтда сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг салмоқли қисми ушбу томорқаларда етиштириляпти.

зиёд хонадонга 55 тоннадан ортиқ полиэтилен плёнка бепул тарқатилди. Ҳозирги пайтда бу хонадонларда эртанги сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Томорқачиларга қулайлик яратиш мақсадида уруғлик ва кўчатлар етказиб берувчи 120 та дўкон, минерал ўғит ва кимёвий препаратлар савдоси билан шуғулланувчи шохобчалар фаолияти йўлга қўйилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Аҳоли томорқаларининг 68,8 гектарини иссиқхоналар ташкил этади. Шунинг 18 гектарига эртанги сабзавот кўчатлари етиштирилиб, аҳолига тарқатилди. Бундан ташқари, ҳар бир туманда йигирматадан намунавий иссиқхона барпо этилди. Икки сотихдан иборат ушбу кичик иссиқхоналар муқобил иссиқлик энергияси билан ишлайди. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан бир миллиондан ортиқ сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Булар ҳақида батафсил тўхтаётганимиз бежиз эмас. Жорий йилда вилоятимизда мавжуд томорқа ерларининг 60 фоизидан ерки марта, 11,5 фоизидан эса уч марта ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш ҳамда мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Томорқадан самарали фойдаланишга қаратилган бундай эътибор ўз натижасини бераётди. Ҳозирги пайтда иссиқхоналарда етиштирилган икки минг тонна помидор, минг тоннадан зиёд бодринг, юз тоннага яқин цитрус мевалар нисбатан арзон нархда бозорларда сотилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Умуман олганда, жорий йилда вилоят бўйича 164 минг тонна картошка, 500 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна полиз, 199 минг тонна мева, 141 минг тонна узум етиштириш мўлжалланаяпти. Бу эса ички бозор эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, маҳсулотни четга сотиш, қўшимча даромад кўришга замин яратади ҳамда бозорларимизда нарх-навоми барқарор сақлаш имконини беради.

Зеро, аҳолининг шахсий томорқаларидан унумли, самарали фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиздан қўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

Маҳмуд ТОЙИРОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди  
Бухоро вилояти бўлими раиси.

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

«Руду» корхонаси маҳсулотлари ана шундай эътироф қозонмоқда.

Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан ички ва ташқи бозорда сотилаётган маҳсулотлар тури тобора кўпайиб бормоқда. Бундай муваффақиятлар, айниқса, тўқимачилик саноатида аққол кўзга ташланади. Хусусан, мохир чеварларимиз томонидан тайёрланаётган бежирим ва сифатли либослар нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик харидорлар эътиборига ҳам тушиб улгурди. Бу эса юртимиз иқтисодий салоҳияти юксалишида муҳим омили бўлаётди.

Изланиш

Пойтахтимиздаги «Руду» хусусий корхонаси илгор ортиқ кўпайиш субъектларидан бири. Ҳозир бу ерда турли бичим ва кўринишдаги кийим-кечақлар тикиляпти. Жумладан, хотин-қизлар учун мўлжалланган либослар буюртмачи ва харидорларга манзур бўлмоқда.

— Бугун кичик бизнес субъектларига катта имтиёзлар бериляпти, — дейди корхона раҳбари Лола Йўлдошева. — Фаолиятимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Натижада илгор технологиялар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришяпмиз. Бунда, айниқса, тижорат банкларининг молиявий кўмаги қўл келаяпти. Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш ва турини кўпайтириш учун замонавий тикув дастгоҳларини харид қилишни режалаштирган-ди. Лойиҳамиз «Ипотека-банк» мутахассисларига маъқул келди. Тез орада мурожаатимиз ижобий ҳал этилиб, 12 миллион сўмлик сармоя ажратилди. Ушбу маблағ эвазига либосларга безакли тошлар ўрнатиш ва миллий нақшлар солишга мўлжалланган замонавий ускуналарни келтириш ҳаракатидамыз.

«Руду» чеварлари хотин-қизларга ҳар бир мавсум учун алоҳида либослар тақдим этишмоқда. Масалан, 10 хилдаги кийим-кечақлар миллий ва замонавий андозалар-

сўлотларимиз сифатини янада яхшилаш ва турини кўпайтириш учун замонавий тикув дастгоҳларини харид қилишни режалаштирган-ди. Лойиҳамиз «Ипотека-банк» мутахассисларига маъқул келди. Тез орада мурожаатимиз ижобий ҳал этилиб, 12 миллион сўмлик сармоя ажратилди. Ушбу маблағ эвазига либосларга безакли тошлар ўрнатиш ва миллий нақшлар солишга мўлжалланган замонавий ускуналарни келтириш ҳаракатидамыз.

«Руду» чеварлари хотин-қизларга ҳар бир мавсум учун алоҳида либослар тақдим этишмоқда. Масалан, 10 хилдаги кийим-кечақлар миллий ва замонавий андозалар-



га тўлиқ жавоб беради. Жамоа киска мuddатда ички бозорга 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди. Жорий йилда эса бу кўрсаткичи қасданчилик иш ўринлари ҳисобига янада ошириш кўзда тутилган.

— Миждозларимизга қулайлик яратиш, маҳсулотларнинг тез ва арзон нархларда етказиб берилишини таъминлаш мақсадида савдо дўкони фаолиятини йўлга қўйганмиз, — дейди

цех бошлиғи Нилуфар Эшмухаммедова. — Бу ерда хотин-қизлар ўзларига маъқул бичим ва кўринишдаги либосларни тикиш учун буюртмалар ҳам беришлари мумкин. Маҳсулотларимиз нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан сотиляпти.

Корхона раҳбари Лола Йўлдошева изланувчан тадбиркор. У жорий йилда ўз корхонасида «Устоз — шогирд» мактаби фаолиятини йўлга қўйиб, бу орқали

ёшларга хунар ўргатиш ва уларни иш билан таъминлашни мақсад қилган. Зеро, чеварлик — хотин-қизлар учун ниҳоятда зарур. Хунар билган уй бекалари хонадонига файзу барака олиб қириши, фарзандларининг порлоқ истиқболига муносиб ҳисса қўиши, шубҳасиз. Бу эса мустаҳкам оилалар сафининг янада кенгайишини кафолатлайди.

А. МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

Шахрисабзлик тадбиркор Ақтам Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «Аҳмедов Ақтам Бухорович» масъулияти чекланган жамиятида оддий қоғоздан маҳсулотларни қадоқлашда ишлатиладиган турли ўлчам ва бичимдаги нақшкор гафрокути — картон идишлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Қоғоздан бежирим идишлар

Бунинг учун банкнинг 44,5 миллион сўмлик кредити ҳисобига Хитойдан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда юздан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тадбиркорлик субъектларига етказилмоқда.

— Шу кунга қадар миждозларимизга 300 минг квадрат метрга яқин маҳсулот етказиб бердик, — дейди корхона раҳбари. — Жорий йилда банкдан яна кредит олиб, қўшимча ускуналар сотиб оламиз. Бунинг ҳисобига чикинди қоғозларини қайта ишлаш ва ундан бежирим идишлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Натижада маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришамиз.

А. МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 150 932 194 сўм.**  
Аукцион савдоси 2012 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сагбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй.  
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими www.1kms.uz  
Лицензия: RR-001.

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!**

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилган хизматлар «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

**HYUNDAI** NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

**TUCSON**  
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**DONGNAM UZ MOTORS**  
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.  
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**U MAGAZIN-SALON**

Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.

**IP-камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения**

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Удаленный просмотр и управление камерами через Интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

**238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz**

**БИЛДИРИШ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 13 мартдаги 50 (5470)-сонида «Farg'ona mulk markazi» МЧЖ томонидан чоп этилган, 2012 йил 18 апрель куни ўтказиладиган аукцион савдоси ҳақидаги хабарномадаги, яъни Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» қўшма корхонасига қарашли, бошлангич баҳоси 1 894 421 000 сўм бўлган музлаткич ускуна ва жиждозларининг «бир қисми Олтиариқ туманининг Капчугай қишлоғида, бир қисми Ўлтиариқ туманининг Ҳамза шаҳарчасида жойлашган», деб ўқилсин.

**Асос:** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 5 апрелдаги 50/1-сонли хати.

**Манзил:** Фарғона ш., Бурҳониддин Маргиноний к., 35-уй. Тел.: (8-373) 224-68-70.  
www.rmm.uz

Мы увеличим ваши сбережения

КСБ предлагает вам выгодно разместить свободные средства в банковские депозиты и получить процентное вознаграждение

**Credit Standard Bank**

**Депозиты**

140 12 00 | www.csb.uz  
140 50 05 | info@csb.uz

Услуга лицензирована

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ**

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР**, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**



Жорий йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун астойдил тайёргарлик кўраётган спортчиларимиз орасида Пахтабод туманининг Уйгур қишлоғида туғилиб ўсган Жасурбек Латипов ҳам бор.

# Жасурбекнинг эзгу орзуси

— Отам боксчи бўлишимни хоҳлардим, — дейди Жасурбек. — Афсуски, умрлари қисқа экан, менинг ютуқларимни кўриш учун килишимга эришганим йўқ. Шу боис ҳам отам руҳини шод этиш учун ўз устимда ишлашга, мураббийларим ўғитишга қатъий амал қилишга интилаяпман.



Биз, ёшлар мана шундай бекор юрт фарзанди эканимиздан ҳаммиша фахрланамиз ва ўзимизни бахтиёр хис қиламиз. Чунки "Фарзандларим, болаларим" дея бошимизни сийлайдиган, ҳамма шарт-шароитларни яратиб бераётган Юртобимиз бор. Ана шу гамхўрликка жавобан Ватанимиз шаънини улуғлаш, равангага ҳисса қўиши йўлида иқтидоримизни намоян этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

оғир. Жасурбек ҳаётдан шунга оид бир мисол келтирсак: 2003 йили амакиси уни Андижон олимпия захиралари коллежига ўқишга олиб келди. Аммо жуда озгинлиги учун Жа-

да таҳсил олаётган ўқувчилар сафига қўшилди. — Коллежга қабул қилинган кунимиз мураббий Эркинбой Бойдаевнинг, "Ким кўпроқ меҳнат қилса, ўша, албатта, чемпион бўлади", деган гапи мени ўз мақсадим сари янада руҳлантирди, — дейди Жасурбек ўша кунларни эслаб.

Биласиз, спортда ҳар доим ҳам омад кулиб боқавермайди. 2003 йили Бўз туманида ўтказилган турнирда қатнашган Жасурбек ўзининг биринчи расмий мусобақасида рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Бундан қаттиқ таъсирланган қаҳрамонимиз энди машгулотларда янада кўпроқ тер тўка бошлайди ва бу тасодиқ эканини исботлашга киришди. Чекилган захмат зое кетмади. Орадан бир йил ўтиб, у вилоят

чемпионатида голиб чиқди. 2006 йили ўтказилган республика турнирида ҳам голибликни қўлга киритди. Орадан бир йил ўтиб, ёшлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлади. Ўша йили Боксу Жасурбек синовдан муваффақиятли ўтди. Шу тарихи Андижон олимпия захиралари коллежи

Кейинчалик Ангола ва Мексика давлатлари меzonли қилган нуфузли халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли қатнашди...

Шу тарихи Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари эътиборига тушган Жасурбек Латипов ўтган йили Бокуда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси сафида иштирок этди. Нуфузли мусобақадан 52 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган боксчимиз Англия, Швейцария, Беларусь ва Италия вакилларини мағлубиятга учратди ва жаҳон чемпионатининг энг кучли тўрт нафар боксчиси сафидан жой олди. Шунингдек, у Лондон Олимпиадаси йўланмасига эга бўлди.

— Жасурбек иқтидорли йигит, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Шу боис XXX ёзги Олимпиада ўйинларида унинг совриндор бўлишига ишонамиз.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

# Олимпиадачиларимиз сафи кенгаймоқда

Шу кунларда дунёнинг бир қатор мамлакатларида Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмалар берувчи нуфузли турнирлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, ўтган ҳафта Остона шаҳрида ташкил этилган юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё олимпия саралаш турнирида олти нафар ўзбекистонлик полвон Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритишган эди.

Айни чоғда Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтаётган бокс бўйича Осиё олимпия саралаш мусобақасида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Бугунги кунга келиб боксчиларимиздан икки нафарнинг олимпия ўйинларига бориши аниқ бўлди.

75 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Аббос Атоев дастлабки учрашувда Жанубий Корей вакили Сун Жан Уйи 21:6 ҳисобида енгди. Чорак финал босқичида эса малайзиялик Ҳорун Муҳаммад Фархонни иккинчи раунддаёқ нокаутга учратди. Бухоро чарм кўлоқ мактаби тарбияланувчиси ушбу галабаси билан ярим финалга чиқди ва ўзи учун "Лондон — 2012" эшикларини очди.

Яна бир вакилимиз ўқтам Раҳмонов 64 ки-

лограмм вазндаги боксчилар саралаш баҳсларида ўз маҳоратини яна бир бор кўрсатди. Усмирлар ўртасида жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари совриндори ҳисобланган спортчимиз биринчи жангда хитойлик Кин Хуни 17:11 ҳисобида ортада қолдирди. Чорак финалда эса у жаҳон чемпионати совриндори япониялик Масатсугу Кавачи қаршилигига дуч келди. Шундай бўлса-да устунлиқни тўлиқ қўлга ола билди ва ҳатто раундлар давомида Кунчикар юрт терма жамоаси аъзосини тўрт марта нокадаунга туширди. Умумий ҳисобда мутлақ галабага эришган ўқтам финалга чиқди ва Олимпиада йўлланмасини нақд қилиб қўйди.

Мазкур Осиё олимпия саралаш турнирида ўзбекистонлик боксчилардан Шаҳобиддин Зоиров ва Иzzатулла Эргашев ҳам Олимпиада йўлланмалари учун баҳсларни давом эттирдилар.

Хабарингиз бор, бокс бўйича ўтган йили Боксу шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг тўрт нафар аъзоси — Элшод Расулов, Жасурбек Латипов, Фазлиддин Гойибназаров ва Орузбек Шойимов Олимпиада йўлланмаларига эга бўлган эдилар.

Фазлиддин АБИЛОВ.

## Эътироф

Искандар Собиржон Андижон туманида жойлашган Толибжон Содиқов номидига муҳика мактаб-интернатининг 8-синфида таҳсил олади.

## Ўзбек сози овозаси

Устози Алижон Қодировдан гижжак созида куй ижро этишнинг сир-асрорларини мукамил ўрганишга эришди. У яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида МДХ мамлакатлари ёшлари иштирокида ўтказилган "Окно в Европа" халқ чолғу асбоблари VII халқаро фестивалида ўз ижоди ҳақида маҳоратини намойиш этиб, мутахассислар ва томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Искандар юртимизга кўрик-танловнинг мутлақ голиби сифатида қайтди. Энди у Европа халқаро мусика фестивалида иштирок этади.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Бунёдкорлик

Тўртқўл туман тиббиёт бirlашмасининг лаборатория, диагностика ҳамда туғуруқхона бўлимлари капитал таъмирланиши билан ҳудуд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

## Хизмат кўрсатиш янада яхшиланади

Бунинг учун шифо масканларида Инвестиция дастури доирасида 2 миллион 900 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мазкур эзгу саъй-ҳаракатлар туманда жорий йилнинг биринчи чорағида 21 минг 371 нафар ўғил-қизни тиббий кўриқдан ўтказишда қўл келди. Айтиш жоизки, ўтган йили Оролбўйи минтақасидаги тиббиёт муассасаларида 18 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Янгилик

Наманган туманининг Муллақудун қишлоғида яшовчи Раҳимжон Қосимов бундан ўн йил аввал томорқасига 100 тул эрон беҳиси қўчатларини келтириб эккан эди. Бугун соҳибқор ушбу дархатлардан мўл ҳосил олмақда.

## Тезлирар беҳи

Муллақудун қишлоғида илдиэ отди. Хар донаси бир килограммдан ортиқ тош босадиган ушбу шифобахш меванинг таърифи қор тарафга ёйилган. Уни етиштиришни оилавий бизнесга айлантирган хонадон соҳиби йилга 6 — 7 миллион сўмга етказиб даромад оляпти. Раҳимжон бу йил баҳорда богни янада кенгайтириш мақсадида 70 тул беҳи ниҳолларини ўтказди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Народное слово"нинг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири Аъзам Алиқуловга волидан мухтарамаси Санам момо ИНОМОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси Маслаҳат поликлиникаси шифокори Сайёра Аъзамовата падари Бўзрўвор ИСАЙИМОВ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Фарзандларимизнинг ёруғ келажagini таъминлаш энг асосий мақсадимиздир. Шу боис юртимизда маънан ва жисмонан соғлом авлодни камолга етказиш йўлида эзгу ислохотлар амалга оширилмоқда.

бир неча йилдирки, оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар қайд қилингани йўқ, — дейди Бешариқ туманидаги "Тошарик" қишлоқ врачлик пунк-

# Тиббий маданият тарғиботи

## баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга

Бугун жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган замонавий шифо масканлари фаолият юритаётгани, оналар ва болалар саломатлигини асраш йўлида изчил чора-тадбирлар амалга ошириляётгани боис кейинги йилларда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада қамайди. — Юртимизда шифо масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий шарт-шароитлар яратилгани туфайли фаолиятимиз самарадорлиги ошиб бормоқда, — дейди Фаргона шаҳридаги 7-оилавий поликлиника шифокори Саодат Ғофурова. — Ўтган йили муассасамиз республикадаги энг намунали оилавий поликлиника деб топилди. Бу, албатта, замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган шифо масканимиз ва унинг малакали мутахассислари меҳнатига берилган юксак баҳоҳидир. Поликлиникамиз шаҳардаги 5 та маҳаллага хизмат кўрсатади. Мухими, бугунги кунда одамлар аввалги пайтлардагидек ягона марказий поликлиникага бориб, соатлаб навбат кутиш шарт эмас.

Дарҳақиқат, энди бундай муаммолар ортада қолди. Ҳозир поликлиникага мурожаат қилганларга тиббий тавсиялар бериш билан бир қаторда, муассаса мутахассислари томонидан кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига йўналтирилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Табиийки, тиббий тарғибот ишлари тўғри ташкил қилинганлиги боис сўнгги йилларда оналар ва болалар ўлими ҳамда турли асоратли хасталиклар қамайишига эришилди. Бундан ташқари, кейинги пайтда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, қизларни эрта турмушга бериш каби салбий ҳолатларга чек қўйилмоқда.

Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар вилоят миқёсида ҳам изчиллик билан амалга ошириляпти. Худудда ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ишларида 318 нафардан зиёд мутахассислар маъсул бўлиб, улар иштирокида маҳаллалар ҳамда таълим-тарбия масканларида соғломлаштириш ҳафталиклари мунтазам ташкил этиляпти. Қишлоқ аёллари, болалар ва ўсмирлар акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, эпидемиолог мутахассислар кўриги, шунингдек, ультравуш текширувидан ўтказилганлиги қўллаб хасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Масалан, вилоятда жами 33 минг нафар аёллар ва болалар тиббий текширувдан ўтказилган бўлса, улардан 102 нафари шифокорлар тавсиясига кўра ихтисослаштирилган тиббий марказларда даволанди.

Айни пайтда эса ёш ота-оналар учун тузилган "Илк ёшдаги болаларни парвартиш" бўйича махсус дастур асосида вилоят перинатал маркази мутахассислари шаҳар ва туманлардаги туғуруқ муассасаларига чиқиб, ушбу дастурни қўллашда иштирок этаётган тиббиёт ходимларига амалий жиҳатдан кўмак беришмоқда. Бундай хайрли тадбирлар эл саломатлигини муҳофаза қилиш ва шу орқали келажакимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Бобомерос касбимнинг қадри

Амалий санъатнинг энг нозик турларидан бири — ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаётганимга қарийб ўттиз йил бўлибди. Аслида, устачилик бизга бобомерос. Негаки, бобом Тошкентнинг энг машҳур уйсоз усталаридан бўлиб, ёғоч ўймакорлигию айвонсозлик билан ҳам шуғулланардилар.

## Дил сўзи

Дастлаб қизиқиш сабаб ёғоч буюмлар ясаган бўлсам, бугун ушбу хунар ҳаётим заруратга айланди. Кечагидай ёлдимда: ўйма нақш берилган стол-стуллар, пардоз қўтилари, сандиқчалар ясай бошлаганимда ҳали бола эдим. Бобомнинг қўллаб-қувватлашлари, меҳр билан ушбу хунар сирларини ўргатишлари туфайли бу ишни кунт билан эгаллашга киришдим.

Мамлакатимизда маънавий қадриятимиз, урф-одат ва анъаналаримизни

ёшлар онгига синдириш, истеъдодли фарзандларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, халқ хунармандчилиги турларини ўргатиш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бора-сидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Мана шундай кенг имконият ва имтиёзлар боис бир қанча ютуқларга эришдим. Юртимиздаги бир қатор улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, Темурийлар тарихи давлат музейи, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд

ёдгорлик мажмуалари қурилишида қатнашдим. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган "Ташаббус" кўрик-танловининг шаҳар босқичида "Энг яхши хунарманд" дея эътироф этилдим. Қолаверса, Германия, Франция, Японияда ўтказилган халқаро танлов ва нуфузли кўргазмаларда ўз ижодий ишларим билан қатнашдим. Мен ясаган эшик, курси, ёғоч панжара, қаламдон, сандиқча, лавҳ сингари бадий буюмлар жаҳоннинг бир қатор музей ва санъат қозоналарида сақланмоқда.

Қаҳрамон ВАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси.

## Реклама ва эълонлар

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаясизми?**

**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг!**

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

<b>ОБ-ҲАВО</b> (10 апрель)	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида +10 +15 +25 +30	Бухоро ва Навоий вилоятларида +10 +15 +25 +30	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида +10 +15 +23 +28	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +10 +15 +25 +30	Андижон, Наманган ҳамда Фаргона вилоятларида +10 +15 +22 +27	Тошкент шаҳрида +12 +14 +24 +26
-------------------------------	---	--	--	---	---	------------------------------------

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000.  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпшов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Ф. Шералиев.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.50

1 2 3 4 5